

---

**Яратилган имкониятдан унумли фойдалана билиш лозим**

Мамлакатимизда ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар учун барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини Интернет тармоғи орқали **электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилган.**

Кичик тадбиркорлик субъектлари 2019 йил якуни бўйича “Микрофирма ва кичик корхонанинг фаолияти тўғрисида”ги давлат статистика ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ тақдим этилиши лозим.

Мазкур ҳисоботни **2020 йилнинг 20 февралидан кечиктирмай** тақдим этиш зарур.

Ўз ўрнида, мансабдор шахсларнинг давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисбот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

215-моддасида белгиланган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлишини эслатиб ўтамиз.

**О.Абдуллаев,**

**Ўзбекистон туман статистика бўлими бошлиғи.**

2020-01-27 14:41:37